



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 20 март, чоршанба, №32-33 (3378-3379).



ЮРТИМИЗДА НАВРЎ НАФАСИ

Жорий йилда Наврўз байрамининг ягона логотипи тасдиқланиб, мамлакатнинг барча ҳудудларига йўлланди. Мамлакат бўйлаб турли маданий ва спорт тадбирлари ўтказилиб, байрамнинг мазмун-моҳияти бойитилди.

Марказий алоқалар хизматида ўтган брифингда Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги Маданият қўмитаси раисининг ўринбосари Сабит Барлибаев Наврўз байрамини нишонлаш тадбирлари ҳақида фикр юритди.

Унинг сўзларига кўра, тарихда Наврўз байрами "Наврўзнама" тақвими доирасида 8-9 кун давом этган. Бу ҳақда буюқ файласуф адиблар Маҳмуд Қошғарий, Машхур Жусип Кўпейули, Абай Қўнанбайули, Мухтар Ауезов асарларида маълумотлар бор.

– Бугун – "20 март – Миллий спорт куни". Барча вилоятларда миллий спорт турлари бўйича турли мусобақалар ўтказилади.

"21 март – Бирдамлик куни". Бу куннинг ғояси – инсонларнинг бир-бирига бўлган ҳурматини ошириш, тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган.

"22 март – Йилнинг бошланиши". Шу куни барча туманларда этноовуллар ташкил этилиб, миллий маданий ва спорт тадбирлари, турли ярмаркалар ўтказилади.

"23 март – Поклиниш куни". Янги йилни янги мақсад ва янги умид билан кутиб олиш рами сифатида Наврўзнаманинг сўнгги куни – Поклиниш кунига айланади. Шу куни Қозоғистонда умуммиллий экологик акция ўтказилади.

Бундан ташқари, 14-23 март кунларига "Наврўз-бозорлик" кунлари доирасида савдо нуқталарида ярмаркалар ўтказиш режаланган, – деди С.Барлибаев.

Шунингдек, Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан Наврўз байрамини нишонлаш бўйича миллий режа ишлаб чиқилган. Ҳужжат барча шаклдаги тадбирларни ўз ичига олади. Республика бўйлаб 10 мингдан зиёд тадбирлар уюштирилади. Асосий байрам эса 21 март куни Астанадаги ЭКСПО кўргазмаси ҳудудида ўтади. Байрам доирасида ўтовлар ўрнатилиб, турли маданий ва спорт тадбирлари ташкил этилади.

24.kz.

ПРЕЗИДЕНТ ИФТОРЛИК БЕРДИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ НОМИДАН АҚЎРДА ҚАРОРГОҲИДА МИЛЛИЙ ҚУРУЛТОЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ИФТОРЛИК БЕРИЛДИ

Тадбирда Президент барчани муборак Рамазон ойи билан табриклаб, Миллий қурултой ишидаги фаол иштироки учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, ийди Рамазонга бақамти келган бу галги учрашув алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Дунё мусулмонлари учун энг азиз ва қадрли бўлган, барча эзгу ниятлар ижобат бўладиган Рамазони шарифнинг кириб келиши билан сиз, азизларни, чин юракдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромим ва самимий тилақларимни изхор этаман. Маънавий поклиниш, сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўладиган Рамазонни анъана ва қадриятларимизга мос, юксак даражада ўтказиш, юртимиз мусулмонларининг ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. Бу ойда одамлар ахлоқий жиҳатдан камол топиб, маънавий жиҳатдан покланади. Улар муҳтожларга

ёрдам беришади ва ҳар бир инсон ҳар бир оилага фойда келтирадиган бошқа солиҳ амалларни қилишади, халқ манфаатларини таъминлаш, ёш авлодни билим-маърифат, яхши хулқ-одоб соҳиблари этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамият, эл-юрт ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш каби масалаларга устувор аҳамият қаратишади. Буларнинг барчаси халқимиз ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, – деди Давлат раҳбар.

Президент ўз нутқида дин ва анъаналар ўртасидаги чуқур муносабатларга алоҳида эъти-

бор қаратганини ҳам эслатди. У миллий ўзликни англашнинг бу икки муҳим таркибий қисмга қарши бўлган бузғунчи оқимлар мавжудлигига хавотир билдирди.

– Очғини айтганда, дин муаммоси миллий хавфсизлик масаласидир. Четдан келаётган турли оқимларнинг ёшлар онгини заҳарлашига йўл қўймастлигимиз керак. Биз анъаналаримизни асраб-авайлашимиз, онгли авлодни тарбиялашимиз керак. Бу борада Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси улкан ўрин эгаллайди. Эътиқод йўлига қадам қўйган ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш ниҳоятда муҳим вазифадир, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари мамлакатимиз янгиланиш ва бунёдкорлик йўлига ўтганини, бу Наврўз байрамини руҳига, исломий қадриятларга тўлиқ мос келишини таъкидлади.

– Бу йилдан бошлаб Наврўз байрамини ўн кун давомида нишонлаймиз. Байрамнинг ҳар бир куни ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Юртимизда Наврўз байрамини арафасида қўллаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Одамларда маънавий поклиниш, сабр-қаноат, хайру саховат, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар намоён бўлмоқда, – деди Президент.

Akorda.kz.



"ТУРКИСТОН – ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ САЙЁҲЛИК ПОЙТАХТИ": ЯНГИ МАВСУМГА – ЯНГИ МАҚОМ

"Туркистон – Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти" мақоми билан янги мавсум очилди. "Карвонсарой" сайёҳлик мажмуасида ташкил этилган тантанали тадбирда Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди иштирок этди. Вилоят раҳбари туркистонликлар ва меҳмонларни Наврўз байрами ва ушбу муҳим дақиқалар билан табриклади.



– Сайёҳликни ривожлантиришни Туркистоннинг асосий йўналишларидан бирига айлантiramиз. Мамлакат Президенти Қасим-Жўмарт Кемелули ушбу соҳани мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи омилларидан бирига айлантириш юзасидан аниқ вазифаларни белгилади. Айни пайтда Туркистон вилоятининг туризм соҳасидаги салоҳияти юксак. Ўтган йили Туркистон вилоятига ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар сони 15 минг нафарга етди. Бир кунлик ташриф буюрувчилар сони эса деярли 1 миллион кишини ташкил қилади. Туризмни ривожлантириш мақсадида Туркистон аэропортида халқаро йўналишлар сонини оширяпмиз. Бу йил

Туркистонга дунёнинг бошқа шаҳарларидан янги ҳаво йўллари очишда давом этамиз. Барчангизни сайёҳлик мавсумининг очилиши билан чин қалбимдан табриклияман! Минтақада дунё аҳлини лол қолдирадиган сайёҳлик масканлари кўп, – дея Дархан Сатибалди барчани Туркистон вилоятига сайёҳатга таклиф қилди.

Туркистон халқаро аэропорти ҳафтасига 22та ички парвозларни, 3та халқаро, ҳафтасига эса 9та парвозни амалга оширади. Чет эллик сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсади-

да жорий йил бошиданок «Wizz Air» авиакомпанияси Абу-Даби–Туркистон йўналишини ишга туширди. Наврўз байрами муносабати билан 22 мартдан эътиборан Самарқанд–Туркистон йўналиши бўйича мунтазам рейслар очилиши режалаштирилган.

(Давоми 5-бетда).

Эзгу ниятлар куни

Қадрли биродарлар! Мухтарам туркистонликлар!

Сизларни Улуснинг улуг кунини – Наврўз байрамини билан чин қалбимдан табриклияман! Наврўзи оламнинг қадами кутлуг келсин!

Наврўз ўзининг боқий руҳи, умуминсоний ғоялари билан халқимиз ҳаётини тобора чуқур ўрин эгалламоқда. Наврўз – қалбларга оқтоб, дилларга илиқлик бахш этадиган байрамдир. Наврўз нафақат йил боши, балки гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгиликнинг, меҳр ва оқибат байраמידир.

Туркистон ўлкасида ўзига хос иқлим туфайли баҳор эрта келади. Наврўз байрамини ушбу ҳудуддан бошланади. Бу йил Туркистон вилоятида Наврўз байрамини 10 кун давомида эзгу ишлар, мазмунли тадбирлар билан нишонланди. Бутун туман, шаҳар, қишлоқларда юртимиз мусулмонлари, ҳамжиҳатлик, миллийлик, ободлик сари бошлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Миллий ўзгичимиз ва маданиятимиз, қадрият ва анъаналаримиз улугланди.

Бу йил Туркистон вилояти ташкил топганига 5 йил тўлди. Вилоятимизнинг аҳил ва меҳнаткаш аҳли Наврўз айёмини улкан муваффақиятлар билан қарши олмақда.

Туркистон шаҳрининг янги даври бошланди ва у қисқа вақт ичида таниб бўлмаст даражада ўзгарди. Маданий, ижтимоий, спорт бинолари, муҳташам иншоотлар барпо этилди. Бу муваффақиятларнинг барчасида халқимизнинг ҳиссаси беқисс.

Азиз биродарлар!

Наврўз байраминида халқ бир-бирини табриклаб, эзгу тилақларини йўллайди. Ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишда мўътабар отахон ва онахонларимиздан, уларнинг доно маслаҳатлари ва дуои фотиҳаларидан куч-қувват оламиз.

Барчангизни Наврўз айёми билан табриклаб, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Қозоғистонимиз мустақкам, давлатимиз барқарор, Туркистонимиз шон-шўҳрат чўққисиди бўлсин!

Дархан САТИБАЛДИ,
Туркистон вилояти ҳокими,
Нурали АБИШОВ,
Туркистон вилоят маслаҳати раиси.

БАЙРАМ ТАҚВИМИ

Наврўз байрамини 21-23 март – пайшанба, жума, душанба кунларига тўғри келади.

Шанба, дам олиш куни душанба – 25 мартга ўтади. Яъни, ҳафтасига 5 кун ишлайдиганлар 21, 22, 23, 24, 25 март кунлари – беш кун дам олади ва 26 март, сешанба куни, 6 кун ишлайдиганлар эса 21, 22, 23, 24 март кунлари – тўрт кун дам олиб, 25 март, душанба куни ишга чиқишади.

24.kz.

АДОЛАТПАРВАР ИНСОН – ҲАЛОЛ МЕҲНАТ – МУНОСИБ ДАРОМАД

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ РАИСЛИГИДА АТИРОВ ШАҲРИДА МИЛЛИЙ ҚУРУЛТОЙНИНГ УЧИНЧИ ЙИГИЛИШИ ҮТДИ

Давлат раҳбари, энг аввало, қурултойнинг жорий йилги йиғилиши Улуснинг улуг куні – Наврӯз байрамини арафаси ва Рамазон ойининг илк кунларига тўғри келганига урғу бериб, учинчи йиғилишнинг Жайиқ соҳилида ўтаётгани бежиз эмаслигини таъкидлади.

– Машҳур Сарайшиқ қалъаси ёнгинамизда турибди. Ушбу шаҳар Улуғ улус, кейинчалик Қозоқ хонлигининг муҳим маъмурий ва савдо маркази бўлган тарихдан маълум. Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳар бир вақтлар алоҳида геостратегик вазифани бажарган. У Ғарб ва Шарқнинг иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларига ўзгача таъсир кўрсатган. Машҳур хонларимиз шу ерда туриб, мамлакатни бошқарган. Уларнинг баъзилари Сарайшиқда мангу қўним топган. Тарихчиларнинг ёзишича, Қозоқ хонлигини қудратли давлатга айлантирган Қасим хон шу ерда дафн этилган. Бир сўз билан айтганда, Сарайшиқ – кўп асрлик тарихимизда алоҳида ўрин тутадиган кўҳна шаҳар, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбарининг фикрича, халқнинг ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш давлатчилигимиз учун ғоят муҳим. Бу борада зиёлилар алоҳида ўрин тутди.

да кечаю-кундуз фаолият юри-тадиган кутубхоналар барпо этилишини маълум қилди.

Давлат раҳбари келажакка собит қадам билан интилиш учун шонли тарихимизни тўлиқ ҳис этган ҳолда, маданий меросимизни сақлаб, уни тарғиб қилишимиз зарур, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Қозоғистон – Буюк Даштдаги кўчманчилар тамаддунининг бевосита вориси. Бутун дунёга Олтин Ўрда номи билан танилган машҳур Жўши улуси Марказий Евроосиёнинг бепоён даласидаги энг қудратли давлат сифатида тан олинган.

– Жўши сулоласи олти аср давомида Марказий Осиёнинг тақдирига бевосита таъсир кўрсатди. Улар бепоён ҳудудда яхлит мамлакат барпо этишга ҳаракат қилди. Жўши улуси Буюк Даштнинг макон тутган халқларнинг бир неча асрлик тараққиётини белгилаб берди. Буюк улус давлатни бошқаруви ишини янги даражага кўтарди.



– Аввало эл оғалари орасида ҳамжихатлик бўлиши зарур. Улар ёш авлодга урناк бўладиган ибратомуз ривоятлар айтишлари жоиз. Ҳозир бир замонлар бўлган воқеалар, таниқли шахсларга оид баҳсли мунозаралар кўпайиб бормоқда. Ёзувчиларимиз, ҳатто, Чингизхон аслида ким бўлган, деб баҳслашиб қолади. Иттифоқ давридаги шахслар, айниқса, Алаш намояндалари ва Иттифоқ арбобларини таққослаб, бир-бирига қарши қўйишади. Худди шундай баҳс-мунозараларнинг тағига етиш мушкул, етганда ҳам одамлар орасида нифоқ соладиган қуруқ сафсаталарнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Ҳар бир шахс ўзининг кўз қарашини, нуқтаи назарига қараб ҳамда жамиятнинг манфаатига мувофиқ элга хизмат қилди. Улар, яъни, ўша даврлар арбоблари бир вақтлар танлаган йўналишни юзасидан баҳслашса, ёш авлод ким тўғри, ким нотўғрилигини айтмоқда. Аввалги ва ҳозирги тарихнинг турли даврлари, шахсларини бир-бири билан таққослаш мумкин эмас. Зеро, буларнинг барчаси моҳиятан бизнинг тарихимиздир, халқимиз босиб ўтган йўлдир, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент тилимиздан фойдаланиш доирасини кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверишини таъкидлади. Қасим-Жўмарт Тўқаев ушбу эзгу ишни кучайтиришнинг энг самарали ва ягона йўли – таълим соҳаси, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, кутубхоначиликка алоҳида эътибор талаб қилинишини айтиб, яқин вақт ичида Алматы ва Астана шаҳарлари-



Унинг Рим империяси билан ўхшашлиги ҳам – шунда. Жорий йил Жўши улусининг пойдевори қўйилганига 800 йил тўлди. Бугунги йиғилишимиз ўша буюк санага бақамти келмоқда. Жўши улуси Қозоғистоннинг давлатчилик анъаналарида алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизнинг тарихи, бугунги ва келажакки унинг тарихий мероси билан уйғунлашмоқда. Шундай экан, Олтин Ўрда ҳақидаги халқаро саҳнадаги тушунча аъзо этиб сайланганини эслати, мамлакатимиздаги ноёб табиий ва тарихий ёдгорликларни кенроқ тарғиб қилишга чакирди. Бу борада, Президент,

ерости масжидлари ва мўъжизакор табиати билан хорижликларда катта таассурот уйғотган Устурт қўриқхонасини ЮНЕСКОнинг Бутундунё мерослар рўйхатида киритиш юзасидан топшириқ берди.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари Ешкйўлмас тизмалари, Арпаўзан, Қўлжабаси, Сауқан-диқ сайхонлиқларидаги дашт тамаддунининг минг асрлик шажараси ҳисобланадиган тошбитикларни (петроглифлар) муҳофаза олиш борасида тегишли қарорлар қабул қилиш, шунингдек, бутун тарихий-маданий меросимизни сақлаш учун археологик хизматни тизимга солиш вазифасини топширди.

Давлат раҳбари ўз нутқида миллий ҳамжихатликни сақлаш масаласига алоҳида тўхталди. Президентнинг фикрича, мамлакатимизнинг маънавий

яхлитлигини сақлаб, уни кучайтиришни истасак, анъанавий динимиз – ҳанафий мазҳабига эътибор қаратишимиз керак. Бу борада Давлат раҳбари Ислоҳ динининг Буюк Даштда тарқалиб, илдиришга улкан ҳисса қўшган, туркий оламдаги сўфийлик илмига асос солган Хожа Аҳмад Яссавий меросини теран таҳлил қилиб, тарғибот қилишга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайди.

Давлат раҳбари Миллий қурултой аъзолари олдида гапирган нутқида жамиятни исканжасига олган бешта иллат, аниқроғи, гиёҳвандлик, қиморбозлик, оилавий зўравонлик, болалар зўравонлиги ва тажовузкорлик, вандализм, исрофгарчиликка қарши жамият бўлиб курашиб, ишончли тўсиқ қўйишга чакирди.

Бундан ташқари, Президент миллиятнинг янги қиёфасини акс эттирадиган асосий кадриятларга тўхталди. Улар – мустақиллик ва ватанпарварлик, бирлик ва ҳамжихатлик, адолат ва масъулият, қонун ва тартиб, меҳнатсеварлик ва касбий маҳорат, бунёдкорлик ва замонавийлик.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ушбу асосий кадриятларга қатъий амал қилиши зарур. Президент тақлиф қилган "Адолатпарвар фуқаро" тушунчаси буларнинг барчасини тўлиқ қамрайди. У "Адолатли Қозоғистон" гоёсига ҳамоҳанг.

– Биз ушбу устувор кадриятларни ёш авлод онгига синдира билишимиз зарур. Адолатпарвар фуқаро деганимиз – яхши хусусиятларга эга бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб,

муваффақиятга эришадиган одам. Яъни, ҳақиқат ва адолатни барчасидан устун қўяди. Илғор фикрли миллат бўлиш учун бутун жамиятнинг онгини ўзгартириб, янги кадриятларни синдира олиши керак. Ҳар бир киши "Адолатпарвар фуқаро" деган номга лойиқ бўлса, мамлакатимизда адолатли жамият қарор топади. "Адолатпарвар инсон – Ҳалол меҳнат – Муносиб даромад" – ажралмас тушунчалардир. Ушбу уч жиҳат бизнинг илгор ва муваффақиятли давлатга айланишимизнинг гарови, дейиш мумкин, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Миллий қурултойда Парламент Мажлиси депутаты Едил Жанбиршин, жамоат арбоби Ҳазрат Сабаев, Парламент Сенати депутаты, "Возрождение" қозоғистон немислари бирлашмаси жамоат жамғармасининг вазийлик кенгаши раиси Евгений Болъгерт, адвокат, "Хуқуқ ҳимоячилари" жамоат жамғармаси ҳаммуассиси Айман Умарова, Парламент Мажлиси депутаты Никита Шаталов, Болалар ҳуқуқлари бўйича вакил Динара Закиева жамиятдаги муҳим масалаларни кўтариб, ўй-фикрларини билдиришди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Қурултойда билдирилган барча янги гоё ва тақлифлар диққат билан кўриб чиқилиши ва улар юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилишини маълум қилди ва Миллий қурултойнинг тўртинчи йиғилишини келгуси йил Кўкшөтовда ўтказишни тақлиф қилди.

(Давлат раҳбарининг Миллий Қурултойнинг учинчи йиғилишида сўзлаган нутқининг тўлиқ матни билан сайтимиздаги қуйидаги ҳаволада танишиниз мумкин: janubiy.kz/item/86671)

Қасим-Жўмарт Тўқаев қатор давлатлар элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

РЕСПУБЛИКА ЖАМОАВИЙ АЙТИШУВИ ЎТДИ



Куни кеча Туркистон шаҳрида Улуснинг улуг кунига бағишланган «Мархабо, Наврўз!» республика жамоавий айтишуви ўтди. Унда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди шахсан иштирок этиб, томошабинларни байрам билан табриклади.

– Жорий йил Туркистон – Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти деб эълон қилинди. Элимизнинг маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар

ушбу ташаббуснинг амалга ошишига ижобий таъсир кўрсатишига ишончим комил. Жамбил вилояти ҳамда Туркистон минтақасининг жамоавий санъ-

ат кечаси ташаббускорлари – Мажлис депутати Аманжўл Дуйсенбайулига, халқ оқини Асия опамизга, барча санъаткорларга миннатдорчилик билдира-

ман. Келгусида ҳам Туркий оламнинг рамзига айланган шаҳарда маънавият ривожига йўналтирилган янги лойиҳалар давом эттирилади, – дея вилоят ҳокими икки минтақанинг санъаткорларига муваффақият тилади.

Танлов натижасига кўра, республика жамоавий айтишунинг иккинчи босқичига вилоятимиз жамоаси йўлланма олиб, голибликни қўлга киритди. Икки жамоага ҳам эҳтиром кўрсатилиб, ҳар бир оқинга 500 минг тенгеллик мукофот берилди. Термачи, хонандалар, созандаларга 250 минг тенгедан мукофот, шунингдек, «AMANAT» партиясининг махсус мукофоти топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



НАВРЎЗ – ЭЗГУЛИК ЧАШМАСИ



Туркистон шаҳрида «Наврўзнама» ўнқунлиги давом этмоқда. Муборак Рамазон ойи билан бақамти келган «Мурувват байрамида» 42та ижтимоий кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Х. А. Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетининг раҳбарияти ва ходимлари жамлаган хайрия жамғармасидан туркистонлик оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Туркистон вилояти ёшлари эса «Хайрия куни» қарияларни хурсанд қилишди. «Ёшлар имконият маркази» ДККнинг ходимлари ва кўнгилли ёшлар иштирокида Қазигурт туманидаги ёлғиз қарияларнинг уйларида шанбалик уюштирилди. Ёшлар кексаларга хўжалик ишларида ёрдам беришди. Савоб ишга жамланган ёшлар кексаларнинг дуоларини олишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ҲАДЯСИ

Жетисай туман бандлик ҳамда ижтимоий дастурлар бўлимининг руҳий-асаб хасталиги ҳамда таянч-ҳаракати чекланган ногирон болаларга мўлжалланган «Умид уяси» марказида Давлат раҳбари Фармони билан Наврўз байрамини ўн кун давомида нишонлаш топшириги доирасида «Наврўз – хайрия байрами уюштирилди.

Унда туман ҳокимининг ўринбосари Серик Пиримбеков иштирок этиб, марказдаги ўғил-қизларга совға-саломлар тақдим этди. Концерт дастури, миллий урф-одатлар акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш этилди.

Мазкур марказда 40дан зиёд болалар билан 21 нафар мутахассис иш олиб боради. Имконияти чекланган болалар билан логопед, рухшунос, дефектологлар шуғулланмоқда, игнатерапия каби самарали усуллар қўлланилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда.

Байрам сўнггида ҳомийларга туман ҳокими Серик Мамитов ва туман маслаҳати раиси Медет Қасимов, туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими мудирини Нурлан Райимбековларнинг ташаккурномалари топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР КУНИ



«Маданият ва миллий урф-одатлар» куни Ўрдабоши туманида ҳам кенг миқёсда нишонланди. Туман маданият уйи санъаткорлари томонидан сахна кўринишлари намойиш этилиб, фуқароларга эсдалик совғалари тақдим этилди. «Она ва бола» хиёбонида миллий анъаналарни тарғиб этувчи тадбирлар уюштирилиб, спорт ўйинлари намойиш этилди. Оналаримиз савдо марказларида кўшиқ куйлаб, кўпчиликка хушайфият бағишлади.

Мазкур тадбирда туман ҳокими ўринбосари Мейрамбек Ақмуратов, зиёлилар, маданият муассасалари ходимлари, мактабларнинг оқори синф ўқувчилари ҳамда маҳаллий аҳоли иштирок этди.

ЖЕТИСАЙДА ТОЗАЛИК ТАДБИРИ



Жетисай туманида «Наврўз – анъаналарнинг янгилиниши» тадбири режасига мувофиқ, туманда шанбалик уюштирилди.

«Наврўз – тозалик кўзгуси» мавзусида шаҳар, кент, қишлоқларда олиб борилган тозалик тадбирларида фуқаролар ва давлат муассасалари ходимлари ҳам қатнашиб, худудларда ободонлаштириш ишларини олиб боришди.

Истироҳат боғлари ва хиёбонларга, кўча атрофи ҳамда ижтимоий иншоотлар ҳовлисида ҳомийлар ёрдамида 9300 туп турли дарахт кўчатлари ўтказилди.

Туман раҳбарининг топшириғига кўра, мунтазам равишда уюштирилаётган шанбалик аҳолининг табиатга ижобий муносабатини шакллантириши ҳамда туманнинг санитария ҳолатини яхшилашга ўз таъсирини кўрсатиши аниқ.

АРИСДА ҲАМ МЕҲНАТ БАЙРАМИ



Арис шаҳрида Наврўз байрами арафасида шаҳар миқёсида шанбалик ўтди. Унда ҳокимлик томонидан оғир техникалар, кесиш, оқлаш воситалари сафарбар қилиниб, тадбир иштирокчиларига кўчатлар етказиб берилди.

Шаҳар ҳокими Гулжан Қурманбекованинг топшириғига кўра, шаҳар 17та шўъбага ажратилган. Ҳар бир шўъбага ҳокимлик бўлимлари бириктирилган. Тозалик тадбирида худудлар чиқиндилардан тозаланиб, дарахтларни оқлаб, кўчат ўтказишди. Шанбаликка давлат хизматчиларидан ташқари, фаол фуқаролар иштирок этиб, уйлари-нинг атрофини чиқиндидан тозалаб, шаҳар тозалигига ўз ҳиссаларини қўшишди. Айнан шундай тозалаш ишлари барча қишлоқларда ҳам амалга оширилди. Ушбу йўналишдаги тадбирлар келгусида ҳам давом этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Хуш келдинг, Наврўзи олам!



МАНҒИСТОВДАН МИНГ САЛОМ

Кўхна Туркистон шаҳрида Наврўзи олам тадбирларини нишонлаш янги шаклда давом этмоқда. Туркистонликлар «Фараб» мажмуаси ёнида Манғистовдан ташриф буюрган меҳмонларни саломлашиш анъанаси доирасида самимий қарши олишди.

Халқ анъанасига кўра Ҳамал тадбири Наврўзнинг бошланиши, янги йилнинг янги куни. «Фараб» кутубхонаси даҳлизида миллий либослар ва китоблар кўргазмаси намойишидан сўнг, меҳмонларни шаҳар маслаҳати раиси Ф. Сарсенбаев, шоир-оқин Б. Шўйбековлар самимий қутладилар. ХҚТУ ректори Ж. Темирбекова ўз қутловида дорилфунунда Манғистовдан келиб, таҳсил олаётган талабалар сони йилдан-йилга кўпаяётганлигини алоҳида таъкидлади. ҚР миллий университети профессори А. Қўсанова дўмбирада ижро этган қўшиғи томошабинларга манзур бўлди.

Наврўзи оламини ўтмишда аждодлар қандай қарши олиб, қандай нишонлашган, бу анъанани бугунги авлод мукаммал ўзлаштириши лозим, деган мақсадда тарбиявий аҳамиятга молик урф-одатлар намойиш қилинди. Шу куни «Карвонсарой» мажмуасида катта концерт дастури намойиш этилиб, меҳмонларга «Жеті тандыр» тамаддихонасида ифторлик берилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф суратга олган.

“ШАНБАЛИК – ТОЗАЛИК КЎЗГУСИ”

Ёшлар Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси олдида шанбалик ўтказишди

Вилоят «Ёшлар имконият маркази»нинг ташаббуси билан Наврўзнаманинг ўн кунлиги – Меҳрибонлик куни доирасида «Шанбалик – тозалик кўзгуси» тадбири ўтказилди.

Мақсад – ёшларнинг атроф-муҳит тозалиги, экологик тозаликни сақлашга интилишини рағбатлантириш ва кучайтиришдан иборат.

Баҳор нафақат янгилиниши, балки тозалик оғи ҳамдир. Бу даврда жамоатчилик теварак-атрофни тозалайди. Тозаликни сақлаш юксак маданиятимизнинг белгиси. Бу ишга барча масъул.

Баҳор мавсуми бошланганидан буён вилоят ёшлари режа асосида шанбаликлар уюштириб келмоқда. Ушбу тадбир барча туман ва шаҳарларда доимий равишда давом эттирилади. Навбатдаги шанбаликда вилоятнинг 200га яқин фаол ёшлари иштирок этиб, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси худудини тозалашди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЯНГИ ХИЁБОН БАРПО ЭТИЛАДИ

Муқаддас Рамазон ойида Тулкибош тумани, Машат қишлоғида истиқомат қилувчи тадбиркор Бекзат Тўреев ташаббуси билан 50 йиллигини нишонлаётган битирувчилар ўз ҳисобидан «Жастар» хиёбонини барпо этишни режалаштирмоқдалар.

Тадбирда вилоят табиий захиралар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбари Қайрат Абдуалиев, Тулкибош тумани ҳокими ўринбосари Марат Жанесен ҳамда қишлоқ оқсоқоллари иштирок этиб, хайрия ташаббускорларига миннатдорчилик билдириб, дуо қилишди.

Тадбир давомида хиёбонга манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Бугунги кунда туманда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётганда. Тадбир давомида арча, чинор, ўрик, қайрағоч ва бошқа дарахт кўчатлари ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг баҳор ойларида вилоятда 500 мингдан зиёд кўчат ўтказиш режаланган бўлса, туман худудида 32 мингга яқин дарахт кўчатлари экиш мўлжалланган. Куз ойларида бу ишлар давом этади ва яна қўшимча 33 минг туп дарахт кўчатларини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Физқ-насиба қелтир элга, қўқсинг тўлиб, Эшиқ диллар яйрасинлар, ўйнаб-қулиб.

Ўлкамизга Наврўз кириб келди. Бутун табиатда уйғониш, янгилиниш ҳукмрон. Чор-атрофдаги гўзалликдан диллар яйрайди, кўзлар қувнайди. Вужудингда ажиб бир ҳислар уйғонади, беихтиёр эзгу ишлар қилишга рағбат туясан. Она ер қаърини ёриб чиқиб, кўкка интилаётган майсаларга, осмонни тўлдириб, арғамчи бўлиб учаётган қушларга разм соламан, уларнинг чуғур-чуғури қулоғимга ёқимли кўшиқдек эшитилади. Ҳа, юртимизга сездирмай, гўзал сепини ёйиб, баҳор – Қўкломойим келибди, интиқиб кутган Наврўзи олам ташриф буюрибди. Биз баҳорни соғиндик. Айниқса, бу йилги қиш кўкламга ўрин бергиси келмай, паға-паға қор ёғиб тургач, баҳорнинг қадри чандон сезиларкан.



МЕҲР-ШАФҚАТ БАЙРАМИ

Муҳаббат фасли

Майсалар бўлади қувнатиб кўзин,
Чечаклар қиқирлар суйдириб сўзин,
Ғунчалар ҳаёла юзлаюр юзин,
Муҳаббат фасли бу, баҳор асли бу!

Кўёш кучоғида жило живирлаб,
Наврўз нигоҳида шабнам шивирлаб,
Турналар тизилиб, келар шувиллаб,
Муҳаббат фасли бу, баҳор асли бу!

Чароғон чехрадек ёришса диёр,
Бойчечак бойланиб хўрсинса хиёл,
Ойдинда ёноғи олланса аёл,
Муҳаббат фасли бу, баҳор асли бу!

Ойтути РЕЖАМЕТОВА.

Давват

Ишон, одам, баҳорга ишон.
Шавкат Раҳмон.

Бошлаб келдим баҳорни, мана,
Қизгалдоқлар кўксимда нишон.
Гул қалбидан нозик тантана,
Ишон, фақат баҳорга ишон.

Кел, оламни нурларга ўра,
Қирларнинг оқ кўйлағи оқшом.
Ялпизинам, бинафша жўра,
Ишон, фақат баҳорга ишон.

Дил бормоқда дунёни енга,
Унга керак на шуҳрат, на шон.
Йўқ, ишониб бўлмайдим менга,
Ишон, фақат баҳорга ишон.

Учди-кетди кўёшга тикка,
Жоним, қўшим, муборак хуш он.
Иймон бордир кўнгилда якка,
Ишон, фақат баҳорга ишон.

Ғайрат МАЖИД.

Сумалак

Очилмас куннинг қоғоғи
Тугамас қишнинг фиरोғи.
Кўринар ойнинг ўроғи
Кутмайдим, сумалак, кутмас.

Қорайган совуқнинг афти,
Анқийди иссиқнинг тафти.
Теварак кўкларнинг шавқи,
Кутмайдим, сумалак, кутмас.

Меҳрга йўрилган қисмати,
Сабрга шоқоса неъматим.
Дунёнинг тенгсиз ҳилқати,
Кутмайдим, сумалак, кутмас.

Осмоннинг кўрки камалак,
Ифорога тўла теварак.
Пишмоқда ана сумалак,
Кутмайдим, сумалак, кутмас.

Ёққан қор узоққа бормас,
Баҳор ҳам ўрнини бормас.
Сумалак кутганини суймас,
Кутмайдим, сумалак, кутмас.

Мавжуда ЭМИНЖОН қизи.

Кутдик сени...

Кутдик сени, аё Наврўз,
ҳали-ҳамон очмадинг кўз,
Аямажуз чўзилдинг хўп,
қор-бўронинг қилди тўз-тўз.

Лаб очган у полаларнинг
лабларида тонг қадар муз,
Биз соғинган навбаҳордан
Дарак йўқдек ҳали-ҳануз.

Аё наврўз, аё баҳор, қавоғинг оч,
нурларинг соч,
Қоронгу қиш захрин эмиб,
элу юртим қолмасин оч!

Далаларим бағрин очсин,
Бобо деҳқон уруғ сочсин,
Барокатинг ила келгин,
ҳар ишимиз омад чопсин!

Абдурауф АБДУҒАФФОР.
«Чашма» ижодий уюшмаси аъзоси.

Бободехқон даласида, чўпон-чўлиқлар отар бошида. Қимирлаган жон борки, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришдек хайрли ва савобли ишга ҳисса қўшиш ҳаракатида. Яхши ният билан ерга уруғ сепаляпти. Кўпни кўрган отахонлар "Қиш серёғин келди, йил баракали бўлади", дея бот-бот такрорлайди. Кўчат ўтказишда бобосига ёрдамлашаётган набираларни кузатамиз. Бобо ва набира иштиёқ билан ишларини давом эттирмоқда. Энг муҳими, болақайнинг юз-кўзларидан қилаётган ишидан мамнунлиги кўриниб турибди. Байрам арафасида юртимизда турли хайрли тadbирлар ўтиб, янги боғ-роғлар, гулзорлар барпо этиляпти. Шубҳасиз, хосиятли байрамнинг шарофати бу!

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг йилнинг мана шу ажиб ва гўзал пайти ҳақида ёзган шеъри ёдимга тушади...

Баркут кийиб безанди боғлар,
Саҳролар кўксига тақди қизгалдоқ.
Кўёш этағига оқ булут боғлаб,
Ўрик шохларида қовурди бодроқ.
Еллар олиб қочди қишнинг хобини,
Барглар чапак чалар уйғонди шодон.
Бутлоқларга қўйиб гул китобини –

Раҳматли Ғавҳар момоннинг сумалак пиширишдаги ўғит-насихатлари, ўзининг бош-қош бўлгани ёдимга тушади. Сумалак баҳонасида қизу жувонлар лапар айтиб, рақсга тушишади. Сумалак тун бўйи қайнатилади, аёллар бири

қўйиб, бири қозонни қовлайди. Ёшу қари хурсанд. Қизиги шундаки, Наврўз айёмида, кўклам ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олинадиган, кўнгилларда эзгу ниятлар юз очаётган кезларда шу кунларга эсон-омон етказганлиги учун Яратганга шукроналик айтиш қонимизга, тану жонимизга сингиб кетган. Бу ҳам хосиятли байрамнинг яна бир шарофати эмасми!?

Наврўз тарихи қадимги даврларга бориб тақалиши, бу сана 21 мартга тўғри келиши ҳақида кўп ёзилган ва айtilган. Шу кунни ҳатто урушлар тўхтатилиб, тинчлик суҳбати тузилган. Низолашган қариндошуруғ, кўни-қўшни гина-қудуратни унутиб, ярашганлар. Халқ сайиллари, кўпқари, кураш, дорбоз томошалари уюштирилган. Наврўз том маънода меҳр-шафқат байраמידир. Ахир беморлар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиш, ночор оилаларга хайр-эхсон кўрсатишдан ортиқ савоб борми дунёда? Шукри, юртимизда саховатли инсонлар кўп.



Айниқса, бу йилги байрамнинг муқаддас Рамазон ойи билан бақамти келиши, айна муддао бўлди. Кўплаб хайрли ишларнинг бошида юрган ҳамюртларимиз меҳру эътиборга муҳтожларга ҳиммат кўрсатаётганига гувоҳимиз. Бундайларга қарата "Бор бўлинг, яхшилар!", деймиз. Мана, сизга хосиятли байрамнинг яна бир шарофати.

Ҳа, қуёшли ўлкамизда Наврўзи олам кезиб юрибди. Ўрик гуллаб, она табиат чиройини кўз-кўз қилиш арафасида. Дерзангизни очиб юборинг, хонадонингизга кўклам шабадаси кирсин. Қалдирғоч ўтган йилги инини тузата бошлаяпти. Хурсанд бўлинг, қалдирғоч яхши ниятли, тинч-тотув хонадонга қиради, дейишади. Баҳор элчиси – қалдирғочлар элимизга яхшилиқлар бошлаб келаётгани рост бўлсин! Қадаминг қутлуғ келсин, эй Наврўзи олам!

М. УСМОНОВА.

Варақлашга тушди
бўлбул газалхон...
Бугун қоинотда эзгу бир ташвиш,
Ғунча гул бўлай деб кўзин очади.
Мусича олдидан бир дона чўпни,
Чумчуқ уясига олиб қочади.
Ҳайдалган даладан

бир хас ортмоқлаб –
Чумоли югурар – у ҳам тирик жон.
Шошилиб чопади табиб ирмоқлар
Ернинг томрига куймоқ учун қон...
Она тупроқ эса куз ташвишида,
Юксак хирмонларга сийнаси юклик.
Унинг сокинана тин олишида
Бордир оналарга хос бир буюклик.
Қайси гўшага қадам ранжида қилманг,
уйин-кулгу, базму тантаналарнинг
устидан чиқасиз. Дошқозонларда
сумалак қайнайди, дастурхонлар кўк-
ламнинг тансиқ таомлари билан тўла.

Байрамни тозаллик ва озодалик билан қарши олайлик!

– Биз ҳам Наврўзи олам арафасида баҳорги ишларимизни бошлаб юбордик. Қуёшли кунлар келиши билан Бодоморти даҳасида бироз муаммолар пайдо бўлади. Сабаби – қир-адирликлардаги қорлар эриб, кўйи кўчаларга сув тўлиб кетади, ҳовлиларга лойқа сув кириб, аҳоли қийналади. Жорий йилда ҳам шу каби нохушиқлар билан баҳорни кутиб олдик, – дейди Шимкент шаҳар, Ал-Форобий тумани, Бодоморти даҳаси тўбейий Тўйчивой Исломов.
– Бу муаммони ҳал қилиш учун Оқсой-Қорабастов, Бўзариқ

каналларини тозалаб, тарновларни ўрнатишга киришдик. Март ойи серёғин давом этаётгани учун апрель ойида бу ишларга тўлиқ киришилади. Аҳоли учун яна бир долзарб масала – ички кўчаларга чироқ ўрнатиб, ёруғлик масаласини таъминлаш. Ҳокимлик шафелигида 13та кўчага ёруғлик тизими ўрнатилади. Баҳорий янгилиниш байрами – Наврўзи оламни тозаллик ва ободлик билан кутиб оламиз. Марказий Чайковский, Ўркендеу, Энергетиклар, Балдаурен кўчаларини таъмирлаймиз. Кейин Бодом ўзани атрофини ҳам то-

залаш керак. Шуни таъкидлаш жоизки, илгари одамларнинг ўзлари, катта-ю кичик ҳашар йўли билан тозаллик ишларини амалга оширардилар. Ҳозир бу анъана бироз оқсаяпти, баъзи жойларда, нутилкида. Махсус хизматларнинг ходимлари келиб, оёйга бир ёки икки марта тозалаб кетишади, аҳоли ҳам шунга ўрганиб қолди. Бирорта ташаббус билан чиқсанг, дарҳол, ўша хизматчиларни тилга олишади. Ваҳоланки, тозаллик ва ободончилик ишлари йилига бир-икки марта эмас, мунтазам бажариб турилиши керак. Болаларимиз

саришталик одобини ўрганмас экан, ҳеч қандай махсус хизматлар фойда бера олмайди.

Истардимки, мана шу Наврўз кунларида яшаётган манзилимизни тозалаб, таъмирлаб, янгилаб қўйсанг, нур устига нур.

Фурсатдан фойдаланиб, барчани байрам билан табриклайман! Ҳаётимизда шодумон кунлар кўп бўлсин, хонадонлардан тинчлик, саломатлик, хотиржамлик ва меҳр-оқибат туйғулари аримасин.

Тўйчивой
ИСЛОМОВ.

Ўтинчилик тилар, қеқсалар ҳам дуо қилиб, Нечун сени соғинмайин, Наврўзгинам?!

»» Наврўз табриги



Қалбларга қувонч улашиб...

Қурбатли юртдошлар!

Улуслик улуг кун – Наврўз айёми муборак бўлсин!
Наврўз – неча асрлардан бун аждодларимиз эъоз тутиб келаётган халқимизнинг улуг ва кутлуг байрамидир! Байрам нишонланадиган палла кун ва тун тенглашиб, табиатда мувозанат ўрнатилди, еру осмон софлик, беғуборлик ва мусоффолик огушига чўмади.
Наврўз – янгилаш ва нафосат фаслидир. Ушбу дамда фусункор табиат бор гўзаллигини намён қилади. Наврўзда барча бир-бирига эзгу тилақларини изҳор этади. У дилларимизга тароват бахи этади, қалбларимизга табассум ва қувонч улашади.
Барчангизга мустақкам соғлик, омонлик ва хуш кайфият тилайман! Элимиз гуллаб-яшнасин, равақ топсин, ҳар кунимиз нурафшон бўлсин!

Жанара БАЙМАҒАМБЕТОВА,
“Сайрам” коллежи директори.
Шимкент шаҳри.



Баҳор

Баҳорни кўрганда сураман ҳаёл,
Янги руҳ киргандай танамда титроқ.
Эски оғриқлардан етса ҳам инероқ,
Босғудай баҳорим – фаришта аёл.

Қисқаради тунлар, қўзитар алам,
Узаради кунлар, илиди замин.
Шоирнинг қўлида қитирлар қалам,
Юрак тўхтагудек, агар олса тин.

Ўтаверар умр бепарво боқиб,
Гўё сен бегона йўловчи холос,
Лоқайдлиги кетар юрагинг ёқиб.

Барчамиз меҳмонимиз, ойдан ҳам аён,
Ўйлаймиз аксинча – ўтқинчи замон,
Баҳорда қолишни истаймиш мангу.

Баҳодир ОТАШ.

Тулбаҳор қелди

Қир-адир, далалар қорлардан бўшаб,
Атрофга ранго-ранг гуллар тўшаб,
Дилларда ёқимли оҳанлар бошлаб,
Кўзларни қувончдан ёқимли ёшлаб,
Юртимга чиройли гулбаҳор келди.

Баланд-у беғубор кўринур осмон,
Баҳорги тароват тилларда достон,
Охири кўринмас ястанган доvon,
Гулларга бурканиб бўлади бўстон,
Юртимга чиройли гулбаҳор келди.

Маҳалла қозонда сумалак қайнар,
Дошқозон олдида оломон «қайнар»,
Тонгача аёл-қиз лапарлар айтар,
Жанубдан қушлар ҳам ортига қайтар,
Юртимга чиройли гулбаҳор келди.

Хулласи, ҳар ёқда қайнайди ҳаёт,
Еш-яланг севгидан бошлайди Баёт.

Раъно МУСАЕВА,
«Чашма» ижодий уюшмаси аъзоси.
Тошкент шаҳри.

Соғинавераман, Баҳорим

Тилга олишданоқ ҳаётбахш номинг,
Жисимда туташар кўнгли сари нур.
Исмнинг ўзбек манзур инъоминг,
Томирларда ўйнаб, қонни жўштирур.

Юракка ўзингни кўйгансан жойлаб,
Шивирлайверди қалбда нопалар.
Сен янги онасан, ерга авайлаб,
Кўксингдан тўқасан гулу лолалар.

Ҳаяжондан кўчиб кетар нафасим,
Майин елларингда торққила, баҳор.
Йўқотиб ўзини, чиқмайин сасим,
Йиқилсам, пойингга йиқилай баҳор.

Соғинавераман хўслик серишва,
Сеҳрингга мафтунман, не қилай баҳор?
Қучоқингга қочиб, шу лол туришда,
Қоқилсам, ялпизга қоқилай, баҳор!

Барно ҚАРНОҚЛИ.

Соғинаман Наврўзгинам

Гўзаллигинг ўжатаман келинчакка,
Келишингни тайинлабсан боичечакка.
Сен уйғотиб буй тутасан ҳар чечакка,
Нечун сени соғинмайин, Наврўзгинам?!

Бу оламни яшартириб йилда бир бор,
Яшнагансан, борлиқ бўлар қўқаламзор.
Қушлар чугурлашиб, ҳар тонг айтар алёр,
Нечун сени соғинмайин, Наврўзгинам?!

Ризқ-насиба келтир элга, кўксинг тўлиб,
Ошиқ диллар яйрасинлар, ўйнаб-қулиб.
Тинчлик тилар, кексалар ҳам дуо қилиб,
Нечун сени соғинмайин, Наврўзгинам?!

Тагин сен-ла дийдорлашдим, шукр керак,
Ялпизларинг кўзга суртиб айтдим тилак.
Яна кўрмоқ насиб этса экан фалак,
Нечун сени соғинмайин, Наврўзгинам?!

Табиатни безатасан айлаб кўз-кўз,
Ўлкам узра хуш келибсан, суюқ Наврўз.

ТИЛОБАТ.

Маҳалларда Наврўз дастурхонининг рамзи – сумалак тайёрлаш одати ҳам аллақачон бошлаб юборилганлигини кўни-қўшилларнинг бир-бирига улашаётган неъматини ҳам халқимизга хос одат. Бу гал баҳорни халқимиз бошқача соғинди. Қишнинг анча чўзилганлиги туфайлими, айниқса, сумалакни роса соғинди. Ҳамқасбимиз Маликахоннинг хонадони тайёрлаган сумалакдан татиб, кўкламга етказганига шукроналар айтдик. Қизиқ, халқимизда анъаналар бўларди – қайси хонадонда эгиз фарзандлар дунёга келса, ўша хонадонда етти йил мобайнида сумалак қайнатилиши жоиз бўларди. Бундай хонадонлар етти йил эмас, етмиш йил сумалак қайнатса ҳам розиман. Демак, шунча йил мобайнида миллий таомимиз дастурхонимизнинг шоҳ таоми мақомини бошқа тез тайёрланадиган, апил-тапил еб, тез қорин тўйдирадиган егуликлардан фарқли равишда сеvimли неъматлар қаторида муносиб ўрнини йўқотмайди. Биз, ёшлар ҳам ишимиз қанчалик кўп бўлишига қарамай, халқимизга хос бўлган анъаналаримизни янада қадрлаб, таомларимизни тайёрлаш сир-асрорларини ўрганиб, хотирамизга муҳрлаб, зарур кўникмаларни ўзимизда шакллантириб бораверамиз. Сумалакни қайнатган Волида Элтова билан боғланиб, ушбу таомни пишириш сир-асрорлари билан қизиқдик.

– Қайнонамни Аллоҳ раҳмат қилсин, жуда пазандан инсон эдилар. Гулистон ойма, холаларимиз – Гулбўстон, Хуриниса опамлардан сумалак тайёрлаш сир-асрорларини ўрганганман, – дейди Волида опа. – 1993 йилдан бошлаб бу таомни тайёрлашни анъанага айлантирдик. Таом баҳонасида бутун авлоднинг боши жамланади, дуои фотиҳа ўқилади, эзгу ниятлар қилинади. Яқинда хонадонимизда қайнатилган сумалак учун 15 кило буғдой ундирдик. Кун салқин келганлиги боис 10 кунда унди. Аслида кун иссиқроқ келса, буғдойингиз 7-8 кунда тайёр бўлиб қолади. Қариндошларимиз, яқинларимиз илтимосига кўра уларга ҳам буғдой ундириб бериб, пиширишда ҳам бош-қош бўлишга ҳаракат қиламан. Энди холаларимиз оламдан ўтди, қайнонам раҳматликдан сумалак пишириш санъати менга мерос қолди. Руҳи шод бўлсин, деган мақсадда – таваллуд кўни 6 мартда унинг хотирасига бағишлаб сумалак тайёрлаيمиз. Эрталаб бомдодда бошласак, 12 соатда сумалагимиз ҳам тайёр бўлади. Пишган заҳоти сумалакларни хонадонларга, кўни-қўшилларга тарқатамиз. Шимкентда сумалак пиширишса, негадир тайёр бўлгандан сўнг унинг устини

ёпиб, димлашга ҳаракат қилишади. Совуғач, таом устида бир нақш пайдо бўлади, ўшани кўришга ҳавасманд. Эсимда, болалигимда бир қария гапириб берган эди. Қўшилари сумалак тайёрлашган экан. Утни учиргач қозонни ёпиб, аёллар уйга кириб кетишган. Табиийки, кўни бўйи қозон қовлаб чарчаганларидан сўнг дарҳол уйкуга кетишган. Қўшни болалар, буни кузатиб туриб, ўша даврдаги паст деворлардан ошиб, кўлига нима илинса – пақирми, косами уларга тўлдириб, уйларига ташиган эканлар. Ўша пайтда сумалак ўғирлаш удуми бўлган экан. Ўша воқеани болаларча самимият ва қувонч билан айтиб берган қария ҳамон эсимда.
Жорий йили ҳам қайнонамни хотирлаб, буғдой ундириб сумалак пиширдик. Сумалакни бомдоддан бошлаб қайнатаверамиз, кечки 5-бда пишади. Устига сурат тушибди, дейишади. Ажойиб анъанани бошлаганимга 30 йилдан ошибди. Уйлайманки, хонадонимизда, авлодимизда бу анъана бардавом бўлади, сумалак тановул қилиб, кекса авлод вакилларини, бетакрор удумларимизни бот-бот хотирлаб туришади.
Бу бир хонадондаги ажойиб удум, меҳмурувватга йўғрилган анъана. Шукри, бундай хонадонлар юртимизда жуда кўп. Демак, анъаналаримизни мерос қилиб оладиган ҳамюртларимиз ҳам талайгина. Шоҳ таомимиз яна талай асрлар авлодларимиз дастурхонида муносиб ўрин эгаллаши аниқ.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).


Туркистонга “2024 йилда Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти” мақомининг берилиши тарихий шаҳарнинг туркий давлатлар ўртасида нуфузи юксаклигини аниқлатади.
2023 йилда Туркистонда туркий давлатлар сайёҳлиги учун масъул вазирлар йиғилиши ўтди. Халқаро тадбирда 2024 йилда шаҳарга ушбу мақом берилди. Утган йил декабрь ойида Озарбайжон Республикасининг Шамахи шаҳрида мақом тантанали равишда топширилди. Бу йил ҳам шу муносабат билан йил давомида тадбирлар ўтказилади. Вилоятда халқаро миқёсда 25та, республика миқёсда 23та, вилоят миқёсда 56та, жами 100дан ортиқ тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу мақом нафақат туризм индустриясини ривожлантириш, балки сайёҳларни маҳаллий худуд маънавияти ва маданияти билан яқиндан таништириш, тадбиркорлик ва иқтисодий ривожлантиришга хизмат

“ТУРКИСТОН – ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ САЙЁҲЛИК ПОЙТАХТИ”: ЯНГИ МАВСУМГА – ЯНГИ МАҚОМ



қилувчи кенг қўламли, чуқур аҳамиятга эга жараёндр.
Шаҳарда янги сайёҳлик мавсумининг очилишига бағишланган бир қанча тадбирлар ташкил этилди. Ташриф буюрувчилар дастлаб Туркистон вилоятининг сайёҳлик йўналишига

голибларига сертификатлар топширилди. Махсус шоу ва кизиқарли дастурдан ташқари, суратга олиш учун ижодий фото худудлари мавжуд.
Вилоятдаги бадий жамоалар ва фольклор дасталари, рақс жамоалари, цирк артистлари, Наврўз байрамига бағишланган театр томошалари, миллий анъаналаримизни намён этган ботирлар йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Хунармандлар ярмаркасида қозоқ миллий нақшлари билан безатилган маҳсулотлар намойиш этилди.
Тадбир доирасида «Silk Road Fest» автономийши бошланди. Ушбу экстремал туризм турларидан бири Туркистонда бошланиб, Ўзбекистон ва Қирғизистонда давом этадиган автосафардир.
Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



»» Ибрат соҳиллари

ОТА...

Шайх Алий Тантовий дурдоналаридан:
Бир йигит менга куйидаги воқеани айтиб берди:

“Отам билан бир масалада келишолмай қолдим. Бироз овозимни кўтаришгача бордим. Олдимда китоб-дафтарларим турган эди. Уларни столим устига улоқтирдим ва ётоқхонамга кириб кетдим. Хафалик ва қайғу қалбим ва ақлимни бутунлай чулғаб олган эди. Ётоғимга чўзилиб, ёстиққа бошимни кўйдим. Узи одатда бирон нарсдан қаттиқ сиқилсам, ғамандух менга етса, ухлашга ҳаракат қиламан.

Одатдагидек, эртаси куни университетдан чиқдим, меҳрибон отамга эркаланиб ва кечаги қилмишимни “ювиш” мақсадида: “Отажоним! Эшитишимга қараганда инсон оёғининг тағ қисми устидан кўра юмошқ ва майин бўлар экан. Бу гапни тўғрилигини аниқлаш учун муборак қадамимиз лабим билан буни тажриба қилишга изн берармикан?”, деб СМС ёздим. Хонадонимизга етиб бориб эшикни очсам, отам мени даҳлизда кутиб турган эдилар. Кўзларидан оққан ёш икки юзларини ювиб тушган эди. Менга:

— Оёғимни ўпишинга ҳарғиз ижозат бермайман. Сен айтган гап жуда ҳам тўғри, мен уни сен гўдақлик чоғингда оёғингни усти ва тагини ўлиб, синаб кўриб билганман, — дедилар.

Отамнинг бу гапларидан кейин кўз ёшларимни тута олмадим”.

ФАРЗАНДЛАРГА
ИБРАТ БЎЛАЙЛИК...

... Бир кишининг онаси тикувчилик қиларди. Оилани шунинг эвазига боқар, ўғлини ҳеч ишлашга қўймади. Ўғли ишлайман, деса ҳам кўнмай, яхши ўқишни насаҳат қиларди. Онаси хоҳлагандек яхши ўқиди ва ўқишни тамомлаб, ишга кирди.

Ўғли ойлигининг кўпроқ қисмини онасига беришни ният қилиб, шу билан онасини хурсанд қилиб туришни хоҳлади.

Аллоҳ таолонинг тақдир тақозони қарангки, она Аллоҳ азза ва жалла хузурига рихлат қилди. Онасидан айрилган ўғил жуда кўп йиллар, унга ойлигини беролмаганидан жуда ҳам хафа эди.

Аллоҳ учун онаси номидан ойлигининг тўрт-

дан бирини фақир у фуқароларга бериб туришни назр қилди. Онасининг вафот этганига ўттиз йил ўтди. Шу йиллар асосида намоздаги ҳар бир саждада онасининг ҳаққига дуо қилмасдан турмасди. Савоби онасига бориб туриши учун. Бир нечта масжидга намозхонлар фойдаланишликлари учун, махсус сув идишларини кўйди. Кунларнинг бирида намоз ўқиш учун маҳалла масжидига чиқди-да, жамоатнинг қилаётган ишини кўриб, ўзидан хафа бўлиб кетди. Маҳалла оқсоқоллари масжидга махсус сув идиш кўйишаётган эди. Чунки, у ўзи яшаб турган ердаги масжидга бошқа масжидларга кўйган сув идишларидан кўймаган эди.

Машрику мағрибдаги масжидларга кўйибман-у, лекин кунда намоз ўқиш учун чиқадиغان масжидга кўйишни унутибман, деб, ўзини-ўзи қойиб, юраги сиқилиб турганида масжид имоми келиб «эй фалончи, масжидимизга юборган сув идиш учун Аллоҳ сизни яхшилик билан мукофотласин», деди. Ҳалиги киши шошиб қолиб «йўқ-йўқ, уни мен юборганим йўқ», деди. Имом «бугун ўғлингиз келиб «буни отам юборди», деб айтди».

Ўғли ҳам шу ерда эди.

Шу пайт ўғли отасининг бошидан ўлиб «отажон, савоби сизга ёзилиб туриши учун сизнинг номингиздан мен олиб келиб кўйдим», деди. «Отажон, Аллоҳ таоло сизни жаннат анҳорларидан сувларидан ичирсин», деб дуо қилди.

Ота хайратланиб: «Ўғлим, сен мактаб ўқувчиси бўлсанг, бирор жойда ишламасанг пулни қаердан олдинг?!» деб сўради. «Сиз (Аллоҳ раҳмат қилсин) бувимнинг номидан хайр-эҳсон қилиб, бувимга яхшилик қилганингиздек, мен ҳам сизнинг номингиздан садақа қилиб, сизга яхшилик қилиш учун беш йилдан буён сиз менга ишлатиш учун берган пуллари йиғдим», деб жавоб берди.

Субҳаналлоҳ, олдингиларнинг айтгани қандай ҳам рост-а! «Катталар (ота-она)га яхшилик қилсанг, фарзандингдан кўрасан».

Биз-чи, биз?! Ота-онамиз учун нима қилдик, нима қилоляпмиз?!

«Ўқинг, фақат йиғламанг» китобидан.



»» Буюк Даштнинг улуг алломалари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Бир ортиқча дунё бўлса, йиртигимга ямоқ булар, деб ўйладим. Утаган бойга ҳўп дедим.

Кетдик. Бухоро, Марв, Нишопур, Басра қилиб Румгача борибмиз. Хуллас, бир йилу саккиз ой деганда қайтдик. Озиб-тўзиб волидаи меҳрибон, икки ўғил, бир қиз, аларнинг онасини ўйлаб... соғинчдан жигарларим хун бўлиб, ўлиб-ўлиб уйга келдим. Энамиз йиғлаб бўйнимга осилди. «Шарманда бўлдим, болам, икки дунёда бўлиб бўлдим!» деб бўзлайди. Боисини сўрадим...

Сўрасам... бетини чангаллаб шу гапни айтди: «Абдурауф, сен кетгандан кейин бир йил ўтиб хотининг ҳомилали бўлиб қолди. Қорни қаппайгач, эл-юртдан номус қилиб ота-онасиникига элтиб ташлади», деди. «Бу шармандалиқдан кўра мусофирчиликда, бирон қароқчининг қўлидами, ришта-миштага чалинибми ўлиб кетганим авло эмасми, худойим!» деб нола қилдим. Уч кун кўчага чикмай кўрагимни ерга бериб ётдим.

— Аёлингизни олдиға бормадингизми? — деди Шайх.

— Бордим. Мени кўриб беҳуш бўлди. Бошини оёқларимга уриб йиғлади. «Мен бадбахтни ўлдиринг! Бундоқ юрганимдин кўра, тириклай мазорға кирганим яхши!» деб фарёд қилди. Бир хаёлим, уни ўз сочи билан бўғиб ўлдири, биратўла азобдин қутуласан, деди. Аммо оғзидан она сути кетмаган норасида гўдакка раҳиман келди. Чирқираб турибди. Энди у аёл менга ҳаром эди. Боланинг отасини сўрадим. Билмайман, деди.

Халитдан бери жим ўтирган Сулаймон ёқасини ушлади: — Навзамбилло! Ул нечук инсонки, қурсоғида пайдо бўлган мавжудотнинг сабабчисини билмас! Сир очгиси келмаган, энагар!

Шайх бир муаммонинг тағига етмай туриб ҳукм чиқарадиган кимсаларни хуш кўрмасди, Сулаймонга ёқтирмай қараб қўйди. Сўнг, папираверинг, дегандек йигитга бош силкиди. Абдурауф Шайхнинг юзида илгаридек қаҳр эмас, андак ҳамдардлик белгисини кўриб, дадиллашди:

— Қуръон келтирдим. Аёлим Қуръонни бағрига босиб қасам ичди. «Ҳаром йўлга кирган бўлсам, шу ўтирган еримда тил тортмай ўлай, тўрт боланинг ўлигини кўмай», деб уввос солди. «Сиз йўғингизда бегона эркакни қўлини ушлаган бўлсан, қаро ерга кирай», деб сочларини юлиб йиғлади. Ҳайрон бўлдим, пирим...

— Аёлингизни авлод-аждоди қандай одамлар? Аларнинг уруғида каззоб, касамўхур, хотин кўйган, эридан чиққан кимсалар борми?

— Йў-ўқ... Аёлим ўзимизни қавмимиз, пирим. Тоға юртимдан олганман. Бизни уруғдан қийишқ қадам босадиган бирон эркак ё хотин чиққан эмас шу маҳалгача.

— Қавмингиз имонли одамлар экан, — деди Шайх, — ўғлим, аёлингиздин сўрадингизми, ул киши... мабодо эркаклар ҳаммомига бормаганимкин? Абдурауф ажабланиб елка қисди. Ўйланди.

— Сўрамадим, пирим. Эркаклар ҳаммомига бормас... бормаиди. Қишлоқда икита мурча бор. Бири мардона, бири зайпана. Ҳафта ўтиб энам, қизим учови бориб туришарди.

— Маёкул. Хўш, оға-инидан борми?

Абдурауф Шайхнинг муддаосини англади. Хаёлига шувиллаб балоғатга етмаган укаси Абдуқодир келди.

— Инимиз бор, пирим. Аммо ул ҳали ёш, ўн тўртга чиқаёттир. Янагини ўзининг туққан энасидек кўради. Ўз оғасига хиёнат қилса кўр бўлар...

— Баракалла! Хўш, заифангиз бепарволик оқибатида ўшал инингизнинг либосларини кийган бўлиши мумкинми?

Абдурауф анграйиб қолди. У тўпори қишлоқ боласи эди, Шайхнинг сўроғидаги пинҳоний маънони англамади. — Кийса, кийгандир, — деди кўз олдига йиғлаб қолган укаси келиб, — мол-полга қарайдиган бўлса, хотин меннинг тўним билан бўркини кийиб оларди. «Отаси, мен сиз бўлдим, энди отингиз тепмайди», деб куларди. Абдурауфнинг руҳи тушиб кетди, тагин оқ кизини тироқлаб, сукутга чўмди.

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Ясавий
Роман

— Менга қаранг, йигит. Кўнглинги не дейди? Аёлингизнинг зино қилганига имонингиз комилми?

Абдурауф чўзиқ уҳ тирди:

— Ишонгим келмайди... Ишонмай десам, олдида далил турибди. Ишонай десам, гувоҳим йўқ. Ўзи бўйинига олмади, боланинг отаси бетайин. Қишлоқда туришга бетим чидамади, бош олиб чиқиб кетдим. Йигирма етти ёшимда тирик мурда бўлиб юрибман. Энамнинг ҳоли не кечди, ёлғиз жигарим билан анави уч гўдакнинг ҳоли не кечди... Уҳ...

Ҳазрат кўзини юмиб мушоҳадага берилди. Тўрт унсурни ўйлади, етти иқлимни, нусот оламини, лохут оламини кезди, бутун қувваи ҳофизасини жамлаб, бу йигитнинг бошига тушган фожиянинг шарҳини излади. Кўз олдидан ёшлиғида ўқиган китоблари, валилар билан бўлган мулоқотлар ўтди. Шайх Самарқандда, сўнг Бухорода пири қомил Хожа Юсуф Ҳамодий хонақоҳида таълим олар экан, пирига ҳамроҳ бўлиб, Шому Ироқдан Бағдоду Кашмир элигача кезиб чикди. Бу саёхатларда юзлаб ровийларни учратди. Улар орасида сарбозлар, қушчилар, собиқ шаҳзодалар, қарғиш теккан одамлар, кофирлар, майжўрлар, бир тунда мислсиз бой бўлиб қолган гадолар, бир кечада тахтдан айрилган султонлар, аҳли аёлини қиморга бой берган бадбахтлар, ишқ ўтида телба бўлган машраблар... алқисса, юлдуздек беҳисоб кимсалар бор эди. Уларнинг тундек қаро, тоғдек оғир, ув-захардек аччиқ кимсалари то хануз Шайхнинг кўксига қат-қат бўлиб қатланиб ётибди. Мазкур бахтиқарорлар ичиди мана бу Абдурауфга ўхшагани йўқми? Бор бўлса, у не деган эди?

Ҳазрат кўзини очиб йигитга қаради. Абдурауф ҳамон калла солиб, ҳаёт-мамотини Шайх иштиёрига топширгандек қилт этмай ўтирарди. Шайх тагин бутун заковатини жамлаб, бу мушкул муаммонни мантқиқ илми асосида таҳлил этишга киришди. «Аёлидан кўнгли тўқ, инисидан гумони йўқ. Аёл зинокор эмас. Зино қилган аёл талоқ сўрайди. Ёхуд айбини ёпмоқ қасдида боладан қутулишни ўйлайди. Маккор бўлса, кишиси йўқ пайтда хиёнат қилиб қўлга тушмасди. Зинокор аёл эрининг бурнидан ип ўтказиб юради, уйда ўтириб ҳам бегона эркакни қабул қилаверади. Хўш ўшал Бағдод савдогарининг хотинига ўхшаб...». Ҳазратнинг кўз олдига Абдурауфнинг хотини келди.

У тўрт боласини бағрига босиб, бўзлаб турар, «Имдод беринг, пирим, менга гуноҳ йўқ, мана бу қоракўзларни тирик етим қилманг», дея қўл чўзиб нола қиларди. Воқеалар тасбеҳ донасидек бир-бир ўтятипти. Савдогарнинг хотини ҳақидаги қисса бошқа бир ҳикоятга туртки берди. Иттифоқо Шайх «Шукрилло!» деди оқиста. Унинг таранг тортган қорамтир юзи ёришди. Шайх тугуннинг учини тоғандек эди. Ёдиға ўсмирлигидега ўқиган рисола тушди. Ҳажим Луқмонники эди ва ё... бирон авлиёнинг битиклари эди. Ўшал рисолада ҳикоят қилишларича, бир шоҳнинг бокира қизи ҳомилали бўлиб қолади. Шоҳ қизини ўлимга буюради. Аммо яхши одамлар қиз ўрнига бошқа гуноҳкорни ўлдириб қизни саҳрога элтиб ташлайдилар. Кўп йиллар ўтиб қизнинг бегуноҳлиги маълум

бўлади. Унинг ифбат пардасига бегона тош тегмаган экан...

— Узингизни қўлга олинг, ўғлим, — деди Шайх, — аёлингиз зино қилган эмас. Ул бир тасодиф қурбони бўлган мусулман экан.

Ҳажим Сулаймон ялт этиб Ҳазратга қаради.

— Биби Марямми? Рухдан озиқ олиб...

— Йўқ, Биби Марям эмас, Биби Ойшадек Аллоҳнинг суйган бандаси. Бу олам сирлар олами. Инсоннинг гавҳар қатрадан пайдо бўлиши, анинг сурати, сийрати, жисман йўқолса-да, руҳан абадулабдан барҳаёт бўлиб қолиши... сир эмасми? Бул асорни юз минг Луқмони Ҳажим бир бўлиб минг йилда ечолмас... Дарвоқе, Абдурауф!

— Лаббай, пирим!

— Ул бегуноҳ норасиданинг исми Гайбулло эмасми?

— Гайбулло, пирим, Гайбулло! — деди Абдурауф энтиқиб. У Шайхнинг қароматига энди астойдил ишонган эди. Ахир ўзи айтмади боланинг исмини. Авлиё-да, авлиё бўлмаса, даб-дурустдан қандоқ билади?

Аёлнинг покдомонлигига энди Шайхда ҳам гумон қолмаган эди. — Гойибдин бўлган — Гайбулло... Иншоолло, биз гўдакнинг отасини топқандек. Сиз сабр айланг, биз сафардин қайтайлик, андин сўнг тургон ерингизга бориб таҳқиқ этгаймиз.

— Мен эсон-омон қайтишингизни кун-тун яратган эгамдин тилаб ўтиргайман, пирим.

Абдурауф тиззасига суяниб аста турди. Асосини олдида, шарпадек судралиб чиқиб кетди. Бобо Мочин кириб бир четга ўтирди.

Шайх Сулаймонга қараб деди: — Мен ўшал гўдакнинг сабаб-корини кўргандек бўлдим. Миқти, қорасоқол йигит экан. Боғда ўроқ кўтариб юрибди.

— Демак, ул заифа Биби Марям эмас экан. Ё Аллоҳ!.. Ҳазрат Сулаймоннинг қитмирони луқмасига эътибор қилмади. Бир гап айтмакка шайланиб, лабини жуфтлаб турган Бобо Мочинга ўгирилди:

— Ҳм, Бобоқул, ул нечук хабарки, айтмоққа ошиқасиз?

— Шайхим, Ашрафхон қози бир фитнага бош бўлиб келаеттир, — деди Бобо Мочин ва Йиқонда, оқсоқолнинг боғида эшитганларини қисқача айтиб берди.

— Сезиб юрибмиз, — деди Шайх бош силкиб, — неча кундирки, қози сертавозе бўлиб қолди. Душманнинг хушомадга ўтса — хушёр бўлмоқ керак.

— Ўшал мулламо йигит совронлик Мавлуд қори экан. Қўнидаги фитна хатини ўқиб чорасини кўрган эдим, қуйругини тутказмай кўздан қойиб бўлди, иблисининг боласи.

Шайх Бобо Мочиннинг енгилтақлик қилмоқчи бўлганидан ранжиди.

— Вазнингиз етти пуд, Бобоқул, феълни ҳам вақзин қилинг. Қўлга эрк бермақдун бурун ақл гавҳарини ўртага қўйиб мушоҳада айламак лозим. Қозикалон Маҳмудхон билан орамизни бузмоқчи бўлган экан, демак ўзига шул юмушни муносиб кўрибдир. «Одамларнинг энг ёмони ким?» деди саҳобалар. «Икки мўминни гиж-гижлаб уриштирувчи умматини», деди Ҳақ Мустафо. Иннамо ал-амал бин-ниййа. Неки қилсанг, мукофотини олгайсан. Қаранг, қори билан қозикалон безовта, жонида ҳаловати йўқ. Шунинг ўзи аларга жазо эмасми?

(Давоми бор).

»» Саломат бўлинг!

РАМАЗОНДА ТЎҒРИ
ОВҚАТЛАНИШНИНГ
ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

- 1. Таомланишни хурмодан бошланг.**
Хурмо кун давомида қувват билан таъминлайдиган углеводларнинг манбаи ҳисобланади. Хурмо меваси толалари овқат ҳазм қилиш трактининг ишлашини тартибга солиди. Бундан ташқари, хурмо магний ва калийга бойдир.
- 2. Кўп миқдорда сув ичинг.**
Кун давомида чанқамаслик учун оғиз очилгандан кейин ва сахарликдан олдин етарлича сув ичинг. Бир кунда 8 пилла сув ичишга ҳаракат қилинг.
- 3. Чанқатадиган овқатлар ва маҳсулотлардан сақланинг.**
Тузли овқатлар, консервалар, тузланган ёнғоқлар, бодринглар, балиқлардан сақланинг. Бундан ташқари, зирavorларга бой овқатлардан сақланинг, чунки улар чанқоқ ҳиссини чақирди. Кўпроқ мева ва сабзавотларни истеъмол қилинг, улар организмнинг сув захираларини янгилайди ва тўлдирди.
- 4. Секин, шошмасдан ифторлик қилинг.**
Узоқ муддатли очликдан сўнг, танага катта миқдордаги озиқ-овқатнинг тушуши ошқозонга оғирлик қилади. Мўътадил бўлишга ҳаракат қилинг, ифторни хурмо, сув билан бошланг, кейин шўрва ва бошқа овқатларни тановул қилишингиз мумкин. Ортиқча овқатланиш овқат ҳазм қилиши муаммолар ва ошқозон оғригига сабаб бўлиши мумкин. Ифторни олиқ шўрва билан бошлаш рўза туггандан кейин энг яхши овқат бўлиб, танани оғирроқ овқатлар учун тайёрлайди.
- 5. Ифторда оқсиллар, сабзавотлар, ёрмалар, мевалар ва фойдали ёғлардан иборат овқатлар бўлиши керак.**

- 6. Соғлом овқатларни танланг.**
Дон, ёрмалар, товуқ гўшти, ёғсиз гўшт, балиқ, зайтун мойи ва меваларни тановул қилинг. Қовурилган, шўр ва ёғли овқатлардан сақланинг. Гўшт, дуққаклилар, тухум ва сут маҳсулотлари оқсилга бой. Ушбу озиқ-овқат маҳсулотларидан камида биттасини ҳар куни истеъмол қилишингиз керак.
- 7. Ширинликлардан сақланинг.**
Ифтордан кейинги ширинликлар овқат ҳазм қилинишига халақит беради. Бундан ташқари, у қондаги глюкоза миқдорини оширади, бу эса ширинликларга эҳтиёжни янада оширади. Шунинг учун ифторликдан 2-3 соатдан кейин ширинликларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Ширинликларни фойдалироқ маҳсулотларга: хурмо, қуруқ мевалар, ширин мевалар билан алмаштириш керак.
- 8. Қаҳва (кофе) ичишдан тийилинг.**
Рамазон ойда бош орғи ва уйқусизликка йўл қўймаслик учун кофе истеъмол қилишни камайтиришга ҳаракат қилинг.
- 9. Кунига уч марта овқатланиш.**
Рамазон ойда ҳам кунига уч маҳал овқатланиш муҳим аҳамиятга эга, бунда ифторлик, сахарлик ва улар орасида енгил тамадди қилиб олиш керак. Асосий овқатланишингизни ул қисмга бўлинг. Учдан бир қисми мураккаб углеводлар, учдан бири ёғсиз гўшт ёки балиқ, қолганлари эса сабзавот. Бу соғлом мувозанатли овқатланиш бўлади.

Интернетдаги очиқ манбалардан.

О. тинга тенг сўзлар

- Дунё катта бир мактабдир. Унда ҳар қанча чўққига эришмагин, ўлим шаҳодатини олишини муқаррар. Шундай экан, кибранмасдан, одобли ва ахлоқли инсон бўлиб яша.
- Ёстиқ бой ва фақир, катта ва кичик, шаҳзода ва қўриқчиларнинг бошини кўтаради. Лекин унда фақатгина виждони хотиржамлар сокин уйқуга кета олади-лар...
- Ҳар бир кунингизни гўзал ўтказишингиз, сиз учун одатий ҳол бўлиб қолсин. Самимий, одобли, меҳрибон, саҳий, очикқўнғил бўлинг. Чунки соҳиб кетганда, ундан муҳр — хотира қолади...
- Сенга биров «Сени хурмат қиламан», деса, ишонма. Сухандонлар ҳам ҳеч кимни танимай, кўрмай туриб, «хурматли томошабинлар» деб айтшади.
- Ҳозирги замонда «ҳақиқий қаҳрамон», деб қиличи бор инсонни эмас, балки виждони бор инсонга айтса, ярашади.
- Баъзи инсонлар ҳаётимизда худди сониялардек, баъзилари эса худди дақиқалардек, яна бошқалари эса худди бир умрдек гап. Уларни фақат ўлимгина хотираларимиздан ўчира олади...
- Қиёфани билан фахрланма. Чунки уни сен яратмагансан. Насабинг билан ҳам фахрланма. Чунки уни сен танламагансан. Лекин ахлоқинг билан фахрлан. Чунки унга зийнатни «СЕН» бергансан...
- Биров сенга ахлоқсиз гаплари билан қўполлик қилса, ғазабланма. Балки жилмай. Чунки у ўзининг феъл-атворини сенга намоён этибди.
- Бахт бу — биз эга бўлмаган нарсаса эришимиз эмас, балки, биз эга бўлган нарсамизнинг қуйматини билшимиз, тушуниб этишимиз БАХТдир.
- Ҳикматлар саодатга етаклар» китобидан.

»»» Ҳисобот

РАЙИМЖОН ҚҶЧҚОРОВ – РАИС!



Аввал хабар қилинганидек, вилоят марказидаги барча жамоат ташкилотлари тасарруфига берилган «Ынтымақ» уйида Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви раислиги ва янги раис сайлашга бағишланган анжумани ўтди.

ши аъзоси Зулпархон Чолдонов, шаҳар бош имоми Мухаметжан Ерғешбайули сўзга чиқиб, давлатимизнинг тинчлик-тотувлик сиёсатида хисса қўшиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлаб, Баҳодир Ирисметовга самарали фаолияти учун миннатдорчилик билдиришди. Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви аъзоси раисликка ягона номзодни тавсия этади. Оқсоқоллар кенгаши раиси Тўлқин Саидмуродовнинг таклифини барча делегатлар бир овоздан қўллаб-қувватлаб, овоз беришди. Яъни, «Улес» хайрия жамғармаси раиси ҳамда кўплаб жамоат ташкилотлари аъзоси сифатида



«Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси саҳифаларида Баҳодир Ирисметов олти йил давомида бошқарган ташкилотнинг фаолияти батафсил ёритилганлиги боис шаҳардаги барча кичик туманлардан ташриф буюрган 43 нафар делегат томонидан бир овоздан

самарали фаолият юритаётган Отатурк номли мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, ҚР Президентлари мукофотлари совриндори Райимжон Қўчқоров Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси этиб сайланди. Анжуманда Туркистон ва Кентов шаҳар



қониқарли баҳо берилди. Анжумани ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Замир Муҳаммадҷонов бошқарган тadbирнинг ўзига хос ибратли аҳамияти – унда шаҳар ҳокимининг ўринбосари Мекенхан Қирқбаев, вилоят, шаҳар оқсоқоллар кенгаши раислари Жарилқасин Азиретбергенов, Абдихан Абдиқадиров, вилоят жамоат кенга-

маслаҳатлари депутатлари Дониёр Аюпов, Бекзод Ҳабибов ҳамда Югнак қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Иброҳим Отаҷоновлар фахрий меҳмон сифатида иштирок этишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: тadbирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»»» Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетов таваллудига – 100 йил

БУГУНГИ АВЛОД ЗИММАСИДАГИ ФАРЗ

1941-1945 йиллар оралиғида немис фашист босқинчиларидан ватанимизни ҳимоя қилиш учун Туркистон вилоятидан 140 мингдан зиёд, Туркистон шаҳри ва туманидан 18547 нафар аскар фронтга отланди. Жанг майдонларида жасорат кўрсатган 52 аскар вилоят, 4 нафари Туркистон шаҳри миқёсида юксак мукофот – Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Ҳамюртимиз Расул Исетов шулардан бири.



Жорий йил 24 мартда Р. Исетов таваллудига 100 йил тўлади. Унга вилоят марказидаги «Жеңис» истироҳат боғида ёдгорлик ўрнатилган. 20-сонли мактабга унинг номи берилган. Қаҳрамоннинг ҳимматли тadbиркор ўғли, «Тас жол» МЧБ асосчиси, фаол обуначимиз Олимжон Исетовнинг саъй-ҳаракатлари ва ҳомийлигида қаҳрамон дафн этилган «Қоракўз» қабристонини салобатли ёдгорлик ўрнатилган. Қобил фарзанднинг ҳомийлиги ва муаллифлигида буюк Ғалабанин 75 йиллиги доирасида «Кеңес Одағи»нинг Батыры Тўркістандық Расул Исетов» китоби нашр этилди. Унда қаҳрамон ҳаёти ва фаолиятига оид қимматли маълумотлар, суратлар, ҳужжатлар чоп этилган ҳамда вилоят, шаҳар фахрийлар кенгаши раислари Женисбек Мауленқулов, Жарқинбек Қўлбайимбетов, вилоят фахрий фуқаро-

си Раҳим Танирбергенов, таниқли тadbиркор Баймахан Сулейменов, тарих фанлари доктори Марат Абсеметов, ҚР Ёзувчилар Уюшмаси котиби Қулбек Ергўбек, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқаролари Эр-



гаш Диметов, Мақсуд Атанбаев, Замир Муҳаммадҷонов каби таниқли ҳамюртларимизнинг қаҳрамон ҳақидаги дил сўзлари ифодасини толган.

Олимжон Исетов отаси ўқиган (собиқ Калинин) Ҳамза номли мактаб директори Дилбар Дийметовага хотира китобини тақдим этган.

Р. Исетов 1943 йили фронтга сафарбар қилиниб, махсус тайёрларидан сўнг 138-ўқчи дивизиянинг бўлим раҳбари сифатида жангга қиради. Украинанин Ясиня қасабасини душмандан озод этишда мислсиз мардлик кўрсатган туркистонлик қаҳрамон мустаҳкам ДОТ истеҳкомига яширинган душмани ўз уясида яксон этиб, битта жангда 50 немис аскар, 2 нафар зобитини йўқ қилиб, йирик миқдорда қурол-аслаҳани қўлга киритади. Мардлиги, довураклиги, ватанимизни немис босқинчиларидан озод этишдаги фидойилиги учун

1945 йили Р. Исетов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан мукофотланади. Буюк Ғалаба шарафига Москва шаҳрида ўтган тadbирда Россия Федерацияси Президенти В. Путиннинг таклифи билан иштирок этиди. 1945 йили Москванинг Қизил Майдонида ўтган Ғалаба намойишида ҳам иштирок этганлиги шонли тарих.

Расул Исетов урушдан сўнг қадрдон Туркистон шаҳрида истиқомат қилиб, марказий бозорда самарали меҳнат қилди. Қозоғистонга раҳбарлик қилган Динмухамед Қўнаев, Нурсултан Назарбаевларнинг шаҳарга ташрифи чоғида вилоят ҳокимлари Бўлат Жилқошиев, Бердибек Сапарбаевларга ҳамроҳлик қилди. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган кўплаб тadbирларда иштирок этиб, жанговар хотираларини гапириб берган. Умр йўлдоши Мастура ая билан қобил фарзандлар – Отажон, Саломат, Марҳабо, Олимжонларни тарбиялаб, невар, эвара, чевара кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди. Яссавий макбарасидаги дошқозонни Ленинграддан олиб келишда, шаҳар, вилоятимиз равнақиға оид турли масалаларнинг ижобий ҳал қилинишида доим камарбаста бўлган.

Туркистон шаҳридаги, қўшни Саврон тумани Уранғай қишлоғидаги кўчаларнинг бирига Совет Иттифоқи Қаҳрамони Р. Исетов номи берилса, яхши бўларди. «Жанубий Қозоғистон» газетаси тахририяти шу савобли ишга хисса қўшишга киришди.

Тарих олдида, бугунги фаровон ҳаётимиз учун жонини фидо қилган,



ҳаётини гаровга қўйган ҳамюртимизнинг порлоқ хотираси олдида муқаддас бурчимизни адо этишимиз даркор.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирлар – мозий гувоҳлари. Суратлар оилавий архивдан олинди.

»»» Муштарий таклифи

Сўлим Қорабулоқ қишлоғидаги сара сиҳатгоҳ – «SAPA»да даволандим, унинг жамоасидан мииннатдорман. Севимли «Жанубий Қозоғистон» газетхонлари билан таассуротларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Қорабулоқ қишлоғи вилоятимиздаги йирик аҳоли манзилларидан бири, сўлим табиати ва мусаффо ҳавоси билан тилларда дoston. Булоқлардаги зилол сувлари қишлоқнинг меҳнаткаш, ширинсухан, одамшаванда кишиларини айтмайсизми? Қишлоқда бир неча санаториялар мавжуд. Улардан бири – «SAPA» соғломлаштириш сиҳатгоҳи. Бу жойни танлаган кишиларнинг ақл-заковатиға тасанно! Катта йўл бўйида, баланликда жойлашган, доимо шабада эсиб турадиган боҳаво маскан. Қўл чўзгудек жойдан тоғлар бошланади, атрофи яшил майсалар билан қопланган яланглик. Шимкентдан 35 чақирим узоқликда жойлашган жаннатмонанд маскан.

Дастлаб қишлоқ марказида жойлашган, аҳолиға тиббий хизмат кўрсатадиган касалхонадан иборат бўлган, кейинчалик шу майдон танлангач, қурилиш ишлари бошланиб, ўн йил муқаддам 120 кишиға мўлжалланган замонавий сиҳатгоҳ ишға туширилган. Бино ҳовлисидаги ўриндиқларда мижозлар ҳордиқ чи-

қарадиган майдон арчазорға айлан-тирилган. Утган йил кузда бинонинг орқа томонидан 2,5 га ерга турли хил мевали кўчатлар ўтқазилган. Бир пайтда 120 киши саломатлигини мустаҳкамлайдиган сиҳатгоҳда жами 149 нафар киши иш билан таъминланган. Дам олувчиларға 31 нафар врач, 58 ҳамшира, 8 нафар ўқаловчи, 28 нафар тозалик посбонлари туну кун беминнат хизмат кўрсатмоқда. Мохир ошпазлар мазали таомлари билан мижозлар кўнглини хушнуд этмоқда. Бинонинг ичида барча қўлайликлар мавжуд.

Бу ерда даволовчи шифокор маслаҳати, циркуляр душ, сарҳовуз, магнитерапия, тренажер зали, УВЧ, УФО, электрофарез, дарсенвал, фиточой, тўрт маҳал овқат, парафин, фитобочка, ингаляция, игнатерапия, даволаш физкультураси, умуртқани тортиш, минерал ванна, ёруғлик ваннаси, туз ёри каби даволаш турлари мавжуд. Ширинсухан саломатлик посбонлари доимо хизматингизға шай. Бир ҳафта, ўн кун, ўн тўрт кунда соғлиқларини мустаҳкамлаган мижозлар албатта яна қайтиб келишларини ният қилмоқдалар. Ёзги пайтда дам олувчилар кўплиги боис жой тақчил бўлиши мумкин. Шу боис, олдиндан буюртма

«SAPA» – САРА СИҲАТГОҲ



бериб қўйиш мумкин. «SAPA» дам олиш маскани Сизға мунтазир! Эслатиб ўтаимиз: «SAPA» сиҳатгоҳиға бирор ташкилот йўлланмаси ёки нақд пул тўлаш йўли билан жойлашиш мумкин. Бир кунға люкс хоналар 17 000,

стандарт хоналар 15 000 тенге туради. «SAPA» сиҳатгоҳи Туркистон вилояти Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи, Охунбобоев кўчаси, 98-уйда жойлашган. Мурожаат учун телефонлар: 8 776 242 35 35, 8 702 535 48 98.

Қодир АҲМЕДОВ, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси. Тасвирда: «SAPA» сиҳатгоҳининг умумий кўриниши. Муаллиф суратға олган.

Мустақил юртимизга фасллар келинчаги баҳорнинг кириб келиши бири-бирдан гўзал шодиёна ва тадбирлар билан давом этмоқда. Туркистон шаҳар бошланғич синф ижодий гуруҳи ташаббуси билан вилоятимиз марказида Шимкент, Кентов шаҳарлари ҳамда вилоят муаллимлари иштирокида "Дийдор ширин" маънавий-маърифий учрашуви ўтди.

"Өрлеу" ХЖ Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳри бўйича малака ошириш институти катта ўқитувчиси Махфуза Мусоева ташаббуси билан ташкил этилган бошланғич синф ижодий гуруҳларининг илк тадбири Шимкент шаҳрида ўтган эди. Навбатдаги ҳамкасблар учрашуви кўҳна Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий мақбараси зиёрати билан бошланди.

Ўқитувчилар "Даулет-2" тўйхонасида тўкин дастурхон атрофида жам бўлдлар.

Тадбирдан кўзланган мақсад – малакали устозлар билан тажриба алмашиш, туман, шаҳар, вилоят ҳамда Тароз шаҳридан ташриф буюрган ҳамкасблар билан дийдорлашиш, ўз касбининг моҳир усталарига эхтиром кўрсатиш.

Учрашувда Қозғоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Икром Хожимжонов, оқсозлар ҳайъати раиси Бегмат Турдикулов, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов, жамоат арбоби Замир Муҳаммаджо

УСТОЗЛАР – БУЮК ШАРАФ СОҲИБЛАРИ



нов, шаҳар, туман этномаданият бирлашмалари раислари ҳамда "Өрлеу" ХЖ Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳри бўйича малака ошириш институти катта ўқитувчилари Махфуза Мусоева ва Нағима Азбердиевалар иштирок этишди.

Улар таълим соҳаси билимдонларини баҳор байрамлари Наврўз айёми билан кутлаб, уларга хурмат-эҳтиром кўрсатишди. Барча учун самарали ва фикр-мулоҳазаларга бой учрашувда таълим соҳасидаги устувор йўналишлар, ўқитувчилар малакасини ошириш, тажриба

алмашиш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Хушкафиятга тўла муҳитда давом этган учрашувда "Бошланғич синфлар ва адабий ўқиш фани" дарслиги муаллифлари Нигора Шомадиева ва Зарифа Оташиқова "Дўстлик" медали, бошланғич синфлар учун дастур муаллифлари Нафиса Акромова ва Нигора Шомадиевага махсус сертификат ҳамда 40дан зиёд ўқитувчиларга республика, вилоят, шаҳар ва туман этномаданият бирлашмалари ташаккурномалари топширилди. Учрашувда иштирок этган нафақадаги

устозларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Самарали ва фикр-мулоҳазаларга бой учрашувнинг навбатдагисини Сайрам туманида ўтказиш режалаштирилди.

Илму маърифат зиёсини тарқатиш улуғ ва савобли амал. Бу вазифага мутасадди бўлган кишининг даражаси ҳам юксак. Шу боис, дилдан суҳбат қуриб, меҳнатлари муносиб кадр топайётган маърифатпарвар устозлар учрашувлари бардавом бўлсин.

М. УСМОНОВА.

Хушхабар!

САМИРХОН ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИГА БОРАДИ

ХХРнинг Тайань шаҳрида ўтган Халқаро мусобақада иштирок этган сайрамлик таэквондочи Самархон Абубакиров 58 кг. вазн тоифасида ярим финалда рақибини мағлубиятга учратиб, жорий йили Париж шаҳрида ўтадиган олимпиадада йўланмани кўлга киритди.

У шу кунга қадар Қозғоғистон терма жамоасининг аъзоси сифатида икки марта жаҳон чемпионатида иштирок этиб, бешинчи ўринга сазовор бўлган эди.

Самархон сайрамлик таниқли суҳандон, эл орасида Амир Темур номи билан машҳур Абубакиров Хонхўжаевнинг невараси.

З. МҮМИНЖОНОВ.



Қаттиқ қишдан чиқдинг зах тортиб, ҳориб,
Ердан чиққан каби бойчечак ёриб,
Бағриндан миз кетди Ҳамалга бориб,
Ватаним, муборак бўлсин, Наврўзинг.

Қир яшил, боғ яшил, бўстондир яшил,
Баҳорий либосда жаҳондир яшил,
Эрк яшил, истиқлол, имондир яшил,
Ватаним, муборак бўлсин, Наврўзинг.

Эркин ВОҲИДОВ.

АЗИЗЛАРИМ! ОЛАМИ УЙҒОТГАН ҲАМАЛ
ТОНГЛАРИ МУБОРАК!

БАЙРАМ ИРИМЛАРИ

- Наврўз тонгида гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак хушбўй мум тутатилса, бу касалликларга даво бўлarmiш.
- Шу тонгда гапиришдан аввал шакар тотиб, ўзига зайтун ёғи суртган кишидан йил бўйи турли балолар даф бўлади.
- Умар Ҳайём "Наврўзнома"сида илк баҳор байрамини нишонлаганда ерга сув қуйиш ёки сепиш, совғалар ҳада қилиш, аргимчоч учмиш, ширинлик тарқатиш каби иримлар ҳақида ёзилган.
- Ўрта Осиё халқларида ўзбекларда Наврўз таомлари – гўжа ва сумалак пиширилади. Сумалак – ризқ-рўз, мўл-кўлчилик рамзидир.
- Наврўз кунини уришган одамлар ярашиши керак, гина-кудуратлар унутилади, кечирилади.
- Ушбу кун яхши ният билан ерга уруғ қадалади. Кексалар қўлларини дуога очиб, деҳқончиликка барака тилайдилар.

21 март дунёда

- Халқаро сув куни
- Назм куни
- Шарқ мамлакатларида – Кўклам куни
- Халқаро Ер куни
- Араб давлатларида – Оналар куни
- Кўғирчоқсозлар байрами
- Италияда – Дарахт куни нишонланади.
- Шунингдек,
- Ироқда – Баҳор куни
- Лесотода – Кўчат ўтказиш куни
- Малайзияда – Султон Теренган куни
- Намибияда – Мустақиллик куни (1990)
- АҚШда – Қишлоқ хўжалиги куни
- Тунисда – Ёшлар куни
- Жанубий Африкада – Инсон ҳуқуқлари куни.

ЎЛКАМ БҮЙЛАБ КЕЗАР НАВРЎЗИ ОЛАМ...

Саховатпеша инсонлар борлиги ҳамда ташаббускор шахсларнинг хайрия андазасини тўғри ташкил этиши жамиятимизда тўкин-сочинлик ва фаровонлик салоҳиятининг ошишига сабаб бўлади. Инсонларга ёрдам бериш ва ёшларни ҳам савобли ишларга жалб қилиш меҳр-муҳаббатни келгуси авлод қалбига чуқурроқ сингдириш демакдир.



Қазигурт туманига қарашли таълим муассасаларида "Наврўз – эзулик ва саховат байрами" деб номланган ўн кунлик тадбир бошланиши муносабати билан кам таъминланган оилалар ва имконияти чекланган фуқароларга кўмаклашиш мақсадида "Эзгу миллат", "Кекса авлодни эъзозлайлик" хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Таълим муассасаларининг "Кўнгиликлар" гуруҳи кам таъминланган оилаларга, ноғирон фуқаролар, фахрийлар хонадонларида бўлди. Жумладан, Туроб Тўла номи умумтаълим мактабида "Хайрия қилинг" шиори остида мактаб ўқитувчиси ва ўзини-ўзи бошқариш ташкилоти ўқувчилари фахрий Нишонбой Йўлдошев хонадонидега уй юмушларига ёрдам бериш, кўчаларни тозалаш учун боришди.

Мактаб дефектолог Д. Алижонов ва ташкилотчи ўқитувчи Д. Есеновалар ташаббуси билан имконияти чекланган ўқувчиларнинг хонадонларига бориб, байрам билан кутлаб қайтишди.

"Жанубий Қозғоғистон" мухбири.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхан БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Сағрон – Шомира МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Кентов, Сўзёқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тулелий – Баҳорий ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулчибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетсай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.
Келес, Саригонч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги ушбу мақолалар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Фойдаланилган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
КЗ34ҒРҮ0022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR» МЧБ Босмаҳонасида эъл этилади.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Бўғормак:
082.

Адади – 12500 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛПОЕВА.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхан БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Сағрон – Шомира МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Кентов, Сўзёқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тулелий – Баҳорий ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулчибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетсай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.
Келес, Саригонч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги ушбу мақолалар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Фойдаланилган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
КЗ34ҒРҮ0022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR» МЧБ Босмаҳонасида эъл этилади.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Бўғормак:
082.

Адади – 12500 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛПОЕВА.

ШОҲБАЙТ



"ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ҲАЛИБОН,
ҲАР КУНИНГ ҲАЛИБОН НАВРЎЗ".

Алишер НАВОИЙ.

Наврўз илҳами

Суюн НАМОЗ

НАВРЎЗЛИК БУГУН

Дўстларим, шамс янелиг рост сўзлик бугун,
Тилаклар таъмасиз, ҳақсўзлик бугун.
Гарким кўз эрсангиз, қошдайман шу тоб,
Ер ва ой мисоли қош-кўзлик бугун.



Эшқобил ШУКУР.

ҲАМАЛ АЙВОНИ

Ҳамал айвонида куйлайди ҳаво,
Қизғалдоқ кўшини қирларга тушиди.
Мени етаклаб ўт, эй Қари Наво,
Юрагим юртида юлдузлар пишди.

Адирлар эғнида ям-яшил қабо,
Шамол ҳалинчақда илақ булутлар...
Мени етаклаб чиқ, жон синглим, Сабо,
Совуган кўнглимда чақнади ўтлар.

Янги кўйлақларин киймоқда Ҳаёт,
Ҳамал айвонида куйлайди ҳаво.
Мени яшаш сари етаклайди шод,
Қари Наво билан шўх синглим Сабо.



БАҲОР ҲАҚИДА МАҚОЛЛАР

Мақолалар-жавоҳирлар

- Ҳамал кирди, экинларга амал кирди.
- Баҳорги беғамлик — кузги пушаймонлик.
- Баҳорнинг бир куни йилга татир.
- Баҳорги ҳаракат — кузги баракат.
- Кўклам — меҳнат билан кўрам.

Ойнома

ҲАМАЛ

Форсча – Барре, ўзбекча – Кўй, русча – Овен, арабча – Ҳамал (22 мартдан 20 апрелгача, 30 кун).

Шу муддат оралиғида туғилганлар бурж ҳисобида ҚҮЙДИР.

Ҳар йили 22 мартдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида, қолаверса, бутун Ер шарининг ярмида баҳор фасли, яъни НАВРЎЗИ ОЛАМ бошланади. Мана шу кундан бошлаб кеча ва кундуз тенглашади.

Халқимизда, ҳамал кирди – амал кирди, деган мақол бор. Чунки илик-иссиқ кунлар бошланиб, дала-қирлар кўм-кўк майсага бурканади, ўрик, олча қийғос гуллади, шафтоли гунчалари бирин-кетин очила бошлайди.



Ҳамма ёқни зумрад пояндозлар безайди, чучмома, бўтақуз, қоқи каби чечаклар очилади. Сал кейинроқ қизғалдоқлар алвон гиламини ёяди. Турналар арқони жанубдан шимолга тортилади. Қалдирғочлар иссиқ ўлкалардан учиб келади.

Энг охирида кўк қарға кўрилади. Халқ орасида, кўк қарганин келиши – совуқнинг тугаши, дейилгани бежиз эмас-да.

Табобат

ЭНГ ФОЙДАЛИ ҚУРИТИЛГАН МЕВАЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИМИ?

- Олхўри қоқи. Ошқозоничак трактини бартараф қилади. Юрак қон-томир касалликлари ҳамда юқори қон босимида фойдали. Кўриш ўткирлигини яхшилайдди.



- Баргак (данаксиз туршак). Бу маҳсулот калейга бой бўлиб, юрак қон-томир касалликларида яхши самара беради.

- Хурмо қоқи (финик). Глюкозага бой бўлиб, ишчанлик қобилиятини оширади. Фойдали элементларга бой таркиби сабабли иммунитетни ҳам мустаҳкамлайди.

САРИМСОҚПИЁЗ ҚОН БОСИМИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

Саримсоқпиёз организм учун жуда фойдали маҳсулотлардан бири бўлиб, уни меърида истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Саримсоқпиёзнинг фойдали хусусиятлари:

- Ҳидрофитонцидлар, эфир мойлари ва антиоксидантлар сақлагани учун шамоллашда;
- Артериал қон босимини туширишда;



• Организмнинг узоқ вақтгача ёшлигини сақлаб қолишида фойдалидир.

Бир кунда 1-2 дона саримсоқпиёз бўлакчасини истеъмол қилиш тавсия қилинади.